

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК**  
Акциядорларининг 2022 йил 07-  
апрелдаги умумий йиғилиши қарори  
билин  
Йиғилиш раиси



**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
ЙИҒИЛИШИ  
ТҮҒРИСИДА  
НИЗОМ**

Тошкент ш.— 2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар
- II. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатлари
- III. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок қилиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш
- IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик
- V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик
- VI. Акциядорлар умумий йигилишининг кворуми
- VII. Акциядорлар умумий йигилишининг ишчи органлари
- VIII. Акциядорлар умумий йигилишини олиб бориш тартиби
- IX. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси
- X. Акциядорлар умумий йигилиши қарорларининг бажарилиши

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1. Мазкур Низом “IShONCh sug’urta kompaniyasi” Акциядорлик жамияти қўшма корхонаси (куйида матн бўйича – “Жамият”) акциядорларининг умумий йигилиши мақоми ва фаолиятини, унинг ўтказилиши ва қарорлар қабул қилиниши тартибини белгилайди.
- 1.2. Низом қонун хужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.
- 1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили якунлангандан сўнг олти ойдан кечиктирилмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, Директор билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш имкониятлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади, шунингдек Жамият йиллик ҳисботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегияларига эришиш бўйича қўлланилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисботлари кўриб чиқилади.
- 1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.
- 1.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларга унинг ўтказилиши тўғрисида хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёрланишда акциядорларга тақдим қилинадиган материаллар (ахборот) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

### **II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ**

- 2.1. Акциядорларнинг умумий йигилишининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:
  - а) Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Жамият Уставини тасдиқлаш, Устав фондини ошириш билан боғлиқ Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши бундан мустасно;
  - б) Жамиятни қайта ташкил қилиш;
  - в) Жамиятни тугатиш, Тугатувчи (Тугатиш комиссияси)ни тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
  - г) Жамиятнинг Кузатув кенгашининг миқдорий таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пуллари ва компенсацияларни тўлаш, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоларига малакавий талаблар қўйиш;
  - д) эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;
  - е) Жамият Устав фондини камайтириш;
  - ж) ўз акцияларини харид қилиш;
  - з) Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамият Ижроия органини ташкил қилиш, Ижроия орган фаолият тартибини белгилайдиган Низомни тасдиқлаш;

- и) Жамият Директорини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш. Жамият Директорини тайинлаш, одатда, танлов бўйича саралаб олиш асосида амалга оширилади; бунда чет эллик менежерлар иштирок қилишлари мумкин;
- к) молия йили якунлари бўйича Жамият соф фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган рафбатлантирувчи хусусиятли тўловлар миқдорларини белгилаш;
- л) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг/уни ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) мукофот пуллари ва компенсацияларини тўлаш;
- м) Жамият йиллик ҳисботини ҳамда ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб аниқ муддатлари белгиланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
- н) Жамият фойда ва заарларини тақсимлаш;
- о) Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ваколатларига кирадиган масалалар бўйича, шу жумладан қонун хужжатлари билан белгиланган Жамият бошқаруви талабларига риоя қилиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши ҳисботларини ва Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хulosаларини тинглаш;
- п) Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибини тасдиқлаш;
- р) акцияларни бўлиш ва бирлаштириш (консолидация қилиш);
- с) амалдаги қонун хужжатлари билан назарда тутилган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- т) қонун хужжатлари билан назарда тутилган ҳолатларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- у) ҳар бир турдаги акциялар бўйича тўлов шакли ва тартибида дивидендлар тўлови, дивиденд миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ф) Жамият Ижроия органи томонидан аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мустақил равишда тузилиши учун Жамият жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- х) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ц) Акциядор вакили бўлган Директорнинг Ижроия органи аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш хуқуқини чеклаш;
- ч) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилмаганлиги ёки ушбу кодекс билан назарда тутилган ахборот ошкор қилинмаганлиги учун Жамият мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланади;
- ш) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматлари учун энг юқори тўлов миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш);
- ш) қонун хужжатларига, Жамият Уставига ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

а), б), в), д), о), т)-бандлари билан назарда тутилган масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок қилаётган овоз берувчи акциялар эгалари – Акциядорлар тўртдан уч кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

Қолган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок қилаётган овоз берувчи акциялар эгалари – Акциядорларнинг оддий кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

**2.2. Акциядорлар умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиниши учун Жамият Ижроия органига берилиши мумкин эмас.**

### **III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ҚИЛИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

**3.1. Акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган санагача уч иш кунидан олдин тузилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар Акциядорлар умумий йигилишида иштирок қилиш хуқуқига эгалар.**

**3.2.** Жамият акциядорнинг талаби бўйича унга Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш учун тузилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганини тўғрисида ахборотни тақдим килиши шарт.

**3.3.** Жамият акциядорлари реестрига у тузилган санада киритилмаган шахсларнинг бузилган хукуқлари тикланган ёки уни тузиш вақтида йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина Жамият акциядорлари тузилган реестрига қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**3.4.** Акциядорлар умумий йигилишида Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудитори, Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият директори ва Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) иштирок қилиш хукукига эгалар.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчиси) ва Жамият директори лавозимига номзодлар Акциядорлар умумий йигилишида ўз номзодлари кўриб чиқилишида иштирок қилишлари мумкин.

**3.5.** Акциядорлар умумий йигилишида иштирок қилиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йигилиш ўтказилиши тўғрисидаги билдириш хатида қайд этилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

**3.6.** Акциядор вакили Акциядорлар умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ваколатнома асосида иштирок қиласди. Овоз бериш учун ваколатнома ушбу ваколатномани оловучи ва берувчи тўғрисидаги маълумотлар (исм-шарифи ёки номланиши, тураг-жой манзили ёки бўлиш жойи манзили, паспорт маълумотлари)ни ўз ичига олиши керак.

**3.7.** Акциядорлар умумий йигилишида иштирок қилиш учун келган акциядорлар – жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат тақдим қилинганда амалга оширилади, вакилига нисбатан эса – шунингдек, нотариал тарзда тасдиқланган ваколатнома ҳам тақдим қилиниши керак.

**3.8.** Жамият акциядори – юридик шахс раҳбари Акциядорлар умумий йигилишидаги ўз ваколатларини уни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги хукукий далолатнома ва шахсини тасдиқловчи хужжат асосида лавозими бўйича амалга оширади.

**3.9.** Акциядор – юридик шахс вакили Акциядорлар умумий йигилишида унинг номига ташкилот раҳбари имзоси остида берилган ваколатнома мавжуд бўлгандан ёки ушбу ташкилот муҳри билан тасдиқланган таъсис хужжатлари билан тегишли ваколат берилган бошқа шахс номидан иштирок қилиши мумкин.

**3.10.** Жамият акцияси бир неча шахсларнинг умумий ҳисса эгалигида бўлган ҳолатда, Акциядорлар умумий йигилишида овоз бериш хукуқи уларнинг ихтиёрига кўра умумий ҳисса эгалиги иштирокчиларидан бири ёхуд уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Қайд этилган шахсларнинг ҳар бири ваколатлари тегишли равишида расмийлаштирилган бўлиши керак.

**3.11.** Номинал акция эгаси Акциядорлар умумий йигилишида акция эгаси бўлиш тўғрисида топшириқ берган шахс билан тузилган шартномага мувофиқ иштирок қиласди.

**3.12.** Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш учун тузилган Жамият акциядорлари реестрига мувофиқ, мазкур Низомга 1-сон иловага мувофиқ намуна бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати жузланган (брошюраланган), рақамланган, тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

**3.13.** Умумий йигилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо қўядилар ва Жамият акциядорлари реестири маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқсан ҳолда овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар (2-сон илова).

**3.14.** Умумий йигилишда иштирок қилган шахс ўз ҳисобига унинг томонидан тўлдирилган бюллетен нусхасини олишга ҳақлидир.

**3.15.** Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда биргалиқдаги нуқтаи назарларини шакллантириш учун акциядорлик битимларини тузиш хукукига эгалар.

**3.16.** Агар йигилиш иштирокчиси бир ёки бир неча акциядорлар манфаатларини ифодалаш учун ваколатнома тақдим қиласа, унга акциядор (акциядорлар) номидан овоз бериш учун бюллетенлар берилади, қайд этиш рўйхатида эса манфаатлари ифодаланаётган акциядор

фамилияси қаршисида қуидаги эслатма қилинади: “\_\_\_\_\_ (микдори) овоз берувчи акциялар бўйича “\_\_\_” \_\_\_\_ 20 йилдаги “\_\_\_"-сон Ваколатнома бўйича” ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАННИГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

**4.1.** Акциядорлар умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик Жамиятнинг Кузатув кенгаси томонидан ўтказилади, жумладан у қуидагиларни белгилайди:

- Акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақти;
- Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартиби;
- Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби;
- Акциядорлар умумий йигилишини ўтказишга тайёргарликда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим қилинадиган ахборот (материаллар) рўйхати;
- овоз бериш учун бюллетень намунаси ва матни.

**4.2.** Акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган сана ушбу йигилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 24 кундан олдин ва 30 кундан кейин белгиланиши мумкин эмас.

**4.3.** Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган санагача йигирма бир кундан кечкитирилмай, бироқ 30 кундан олдин бўлмаган муддатда Жамият расмий веб-сайтида, “Тошкент” РБФ расмий веб-сайтида (Жамият акциялари Биржа котировка варафига киритилган ҳолатда) ва оммавий ахборот воситаларида Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Ягона корпоратив ахборот портали расмий веб-сайтида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (З-сон иловага мувофиқ).

Жамият акциядорга мустакил равишда ёки Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси ўртасида тааллукли хизматлар кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси орқали билдириш хати юборишга ҳақлидир.

**4.4.** Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жамият номланиши, жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойи;
- жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига киритилган масалалар;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказишга тайёргарликда акциядорларга тақдим қилинадиган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириб чиқиш тартиби;
- акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

**4.5.** Акциядорлар умумий йигилишини ўтказишга тайёргарликда акциядорларга тақдим қилинадиган ахборот (материаллар) Жамият йиллик ҳисботини, Жамият йиллик молияхўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Жамият Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва аудиторлик ташкилоти хulosаларини, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш имкониятлари тўғрисидаги хulosасини, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаси ва Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотларни, Жамият Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳасини ёки Жамият янги таҳрирдаги Устав лойиҳасини, шу жумладан Жамиятнинг Кузатув кенгашининг Акциядорлар умумий йигилиши кун тартиби юзасидан нуқтаи назарини ўз ичига олади.

**4.6.** Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарликда акциядорларга тақдим қилиниш учун мажбурий күшімча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

**4.7.** Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

**4.8.** Жамият овоз берувчи акцияларининг жами энг камида бир фоизи эгаси ҳисобланган акциядорлар (акциядор) Жамият молия йили якунлангандан сўнг тўқсон кундан кечиктирилмаган муддатда Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши кун тартибига (4-сон иловада қайд этилган намуна бўйича) фойдани тақсимлаш бўйича таклиф киритиш ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) номзодларни таклиф этиш хукуқига эга, номзодлар сони ушбу орган микдорий таркибидан юқори бўлиши мумкин эмас.

**4.9.** Жамият овоз берувчи акцияларининг жами энг камида бир фоизи эгаси ҳисобланган акциядорлар (акциядор) Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирилмаган муддатда кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритишга, уларни Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунгача ўзгартиришга ҳақлийdir.

**4.10.** Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масала уни киритаётган акциядор (акциядорлар) номидан тааллукли сабаблари, унга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) аъзолигига номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан мустакил равишда ўз номзоди кўрсатилган ҳолатда, номзоднинг исм-шарифи, унга тегишли акциялар сони ва тури (номзод Жамият акциядори ҳисобланган ҳолатда), шунингдек номзодни кўрсатувчи акциядорлар исм-шарифи (номланиши), уларга тегишли акциялар сони ва тури қайд этилади.

**4.11.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва уларни Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки қайд этилган кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида мазкур Низомнинг 4.8-бандида белгилangan муддат тугагандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай қарор қабул қилиши шарт.

**4.12.** Куйидаги ҳолатлардан ташқари, акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши керак, худди шундай кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак:

- акциядор (акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 4.8-бандида белгилangan муддатга риоя қилинмаган;
- акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 4.8-бандида назарда тутилган Жамият овоз берувчи акциялари сони эгаси ҳисобланмайди;
- агар Жамият органларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар “Акциядорлик жамиятлари ва Акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига жавоб бермайди.

**4.13.** Акциядорлар (акциядор) улар томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) кўрсатилган номзодлар рўйхатига Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирилмай ўзгартиришлар киритиш хукуқига эга.

**4.14.** Масаланинг Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши ёки номзоднинг Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши тўғрисида ёки қайд этилган кун тартибига ёки номзодлар рўйхатига киритиш асосланган тарзда рад этилиши тўғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори масалани кун тартибига киритиш ёки номзодларни номзодлар рўйхатига киритишни таклиф қилган акциядор (акциядорлар)га қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирилмай юборилади.

**4.15.** Масаланинг Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши ёки номзоднинг Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилишини рад этиш тўғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори устидан судга шикоят аризаси берилиши мумкин.

**4.16.** Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси Акциядорлар умумий йиғилиши аудио-видеога ёзишилишига ва Интернет тармоғида намойиш этилишига рухсат беради.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

**5.1.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қўйидагилар асосидаги қарори бўйича ўтказилади:

- унинг ўз ташаббуси бўйича;
- Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талабига кўра;
- талабнома тақдим қилинган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камидаги 5% ишаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) талабларига кўра (5-сон иловага мувофиқ).

**5.2.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш масалалари бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талаблар асослари қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
- Жамиятга заарлар келтирилиши ва акциядорлар мулкий ҳуқуқларига зиён етказилиши, шу жумладан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти жиддий ёмонлашиши, фойда ва рентабеллиги пасайиши, ишлар ва хизматларнинг реализация қилиниши асоссиз равишда қисқартирилиши билан боғлиқ заарлар етказилиши;
- Жамиятнинг иқтисодий начорлиги (банкротлиги) юзага келиш аломатлари ёки таҳдидлари мавжудлиги, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар олдида, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича турғун карздорлик мавжудлиги.

**5.3.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабномаларда йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар бунинг сабаблари қайд этилган ҳолда ифодаланиши керак. Агар Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масала киритилиши билан боғлиқ бўлса, бундай йиғилишни чақириш тўғрисидаги талабномалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масаладан ташқари, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифларни ўз ичига олиши керак.

**5.4.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камидаги беш фоизи эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) талабномалари бўйича чақирилладиган Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалалар тузилишига ўзгартришлар киритишга ҳақли эмас.

**5.5.** Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган тақдирда, ушбу талабнома бундай йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)га тегишли акциялар сони ва тури қайд этилган ҳолда уларнинг исми-шарифи (номланиши)ни ўз ичига олиши керак.

**5.6.** Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

**5.7.** Жамият Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камидаги беш фоизи эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) томонидан Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномалар тақдим қилинган санадан эътиборан 10 кун ичida Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки бундай йиғилишни чақириш рад қилиниши тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

**5.8.** Жамият Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камидаги беш фоизи эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) талабномалари бўйича

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш рад қилиниши тұғрисида қарор қуидаги ҳолатларда қабул қилиниши мүмкін:

- Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) мазкур банднинг биринчи қисмида назарда тутилған Жамият овоз берувчи акциялари сони эгаси ҳисобланмайды;
- кун тартибига киритиш учун таклиф қилингандан масалалардан ھеч бири Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатларига киритилмаган;

• кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масала “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тұғрисида”ги Қонун талабларига жавоб бермайды.

**5.9.** Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида ёки бундай йиғилиш чақирилиши рад қилиниши тұғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгашининг асосланған қарори бундай йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахсларға қарор қабул қилингандан санадан зътиборан уч иш кунидан кечиктирилмай юборилади.

**5.10.** Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши рад қилиниши тұғрисида Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори устидан судга шикоят аризаси бериліши мүмкін.

**5.11.** Мазкур Низомнинг 5.7-банди билан белгиланған муддат мобайнида Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида қарор қабул қилинмagan ёки бундай йиғилиш чақирилиши рад қилиниши тұғрисида қарор қабул қилингандан ҳолатда, Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши бундай йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мүмкін.

Бундай ҳолатда, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиши тайёргарлик бўйича сарф-харажатлар Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича Жамият маблағлари ҳисобига қопланиши мүмкін.

**5.12.** Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиши тайёргарлик Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ёхуд қонун хужжатлари билан белгиланған ҳолатларда мазкур Низом билан белгиланған тартибда Акциядорлар умумий йиғилишини чақираётган шахс томонидан амалга оширилади.

## VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КВОРУМИ

**6.1.** Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилиш учун рўйхатдан ўтказиши якунланған пайтда Жамият жойлаштирилған овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан ортиқ овозга эга акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилған бўлса, Акциядорлар умумий йиғилиши қонуний (кворумга эга) ҳисобланади.

**6.2.** Йиғилиш бошланишининг белгиланған вақтидан сўнг 60 дақиқадан кўпроқ вақт мобайнида кворум ҳали йиғилмаган бўлса, Акциядорлар тақорорий умумий йиғилишини ўтказиши санаси зълон қилинади. Акциядорлар тақорорий умумий йиғилишини ўтказишида кун тартибининг ўзгартирилишига йўл кўйилмайди.

**6.3.** Етарлича кворум йиғилмаганлиги туфайли қолдирилған Акциядорлар умумий йиғилиши ўрнига чақирилған Акциядорлар тақорорий умумий йиғилиши, агар ушбу йиғилишда иштирок қилиш учун рўйхатдан ўтказиши якунланған пайтда Жамият жойлаштирилған овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан ортиқ овозга эга акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилған бўлса қонуний ҳисобланади.

Акциядорлар тақорорий умумий йиғилишини ўтказиши тұғрисида хабардор қилиш мазкур Низом билан белгиланған тартибда амалга оширилади.

**6.4.** Агар тақорорий йиғилишда кворум йиғилмаган бўлса, акциядорлар томонидан чақирилған йиғилиш ўтказилмаган ҳисобланади ва бошқа чақирилмайди. Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият аудитори томонидан чақириладиган йиғилиш кворум йиғилгунга қадар чақирилади.

**6.5.** Кворум мавжуд эмаслиги туфайли Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана 20 кундан камроқ вақтга ўзгартирилғанда, умумий йиғилишда иштирок қилиш ҳукуқига эга акциядорлар ўтказилмаган умумий йиғилишда иштирок қилиш ҳукуқига эга акциядорлар реестрига мувофиқ белгиланади.

## VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

**7.1.** Умумий йигилиш ишчи органлари қуидагилардан иборат: раёсат (президиум), саноқ комиссияси, котиб (котибият).

**7.2.** Акциядорлар умумий йигилиши раёсати ва раиси Акциядорлар умумий йигилишида сайланади. Акциядорлар умумий йигилиши Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси томонидан, унинг узрли сабблар бўйича йўклигига эса – Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан олиб борилади.

**7.3.** Акциядорлар умумий йигилиши раиси йигилиш раёсатига раҳбарлик қиласди, йигилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун ўз вазифаларини тегишлича бажариш учун керакли барча ваколатларга эга бўлади.

**7.4.** Акциядорлар умумий йигилиши раиси йигилиш жараёнига раҳбарлик қиласди, умумий йигилиш ишчи органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлаш вақтини чеклайди, йигилиш олиб борилиши ва овоз бериш жараёни бўйича изоҳлар беради, залда тартиб сақланишини назорат қиласди.

**7.5.** Акциядорлар умумий йигилиши раиси умумий йигилиш баённомасини имзолайди.

**7.6.** Овоздарни ҳисоблаш, Акциядорлар умумий йигилишида иштирок қилиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар топшириш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси ташкил этилиб, унинг сон ва шахсий таркиби Акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

**7.7.** Саноқ комиссияси таркиби уч қишидан кам бўлмаслиги керак. Саноқ комиссияси таркибига Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси), Жамият директори, шунингдек ушбу лавозимларга номзодлари кўрсатиладиган шахслар киритилиши мумкин эмас.

**7.8.** Акциядорлар умумий йигилишида овоз бериш “Жамият битта овоз берувчи акцияси – битта овоз” коидаси бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайловлари бўйича кумулятив овоз бериш ўтказиладиган ҳолатлар бундан мустасно.

**7.9.** Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

**7.10.** Овоз беришда овоз берувчиларга эҳтимолий овоз бериш варианtlаридан факат биттаси қолдирилган масалалар бўйича овозлар ҳисобланади. Қайд этилган талаблар бузилган ҳолда тўлдирилган овоз бериш учун бюллетенлар ҳақиқий эмас деб эътироф қилинади ва улардаги масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.

Овоз бериш учун бюллетенъ овоз бериш учун қўйилган бир неча масалаларни ўз ичига олган тақдирда, мазкур банднинг биринчи хатбошида қайд этилган бир ёки бир неча масалаларга тегишли талабларга риоя қилмаслик умуман овоз бериш учун бюллетенъ ҳақиқий эмас деб эътироф қилинишига олиб келмайди.

**7.11.** Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон ракамли имзо билан тасдиқланади.

**7.12.** Саноқ комиссияси унга юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан мустақил доимий амал қилувчи йигилиш ишчи органи ҳисобланади ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши таклифи бўйича Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланади.

**7.13.** Саноқ комиссияси ваколатлари муддати Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланган пайтдан Акциядорлар тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) йигилиши томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланган (ёки қайта сайланган) пайтгacha ҳисоблаб чиқлади.

**7.14.** Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарликда саноқ комиссияси Кузатув кенгаши топшириғи бўйича қуидаги функцияларни бажаради:

- Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок қилиш хукуқига эга акциядорлар рўйхатини тузади;
- овоз бериш учун бюллетенларни ва умумий йигилишнинг бошқа материалларини топширилган бюллетенлар ҳисобини юритади.

**7.15.** Олдинги Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси Акциядорлар умумий йиғилишида куйидаги функцияларни бажаради:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш учун акциядорлар (уларнинг вакиллари)ни рўйхатдан ўтказади;
- ваколатномалар ва улар томонидан тақдим қилинадиган хуқуқлар ҳисобини юритади;
- овоз бериш учун бюллетенларни ва умумий йиғилишнинг бошқа маълумотлари (материаллари)ни топширади;
- Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

**7.16.** Ўтказилаётган Акциядорлар умумий йиғилиши давомида таркиби тасдиқланган саноқ комиссияси куйидаги функцияларни бажаради:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш хуқуки реализация қилиниши билан боғлиқ юзага келган масалаларни изоҳлайди;
- овоз бериш учун киритиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини изоҳлайди;
- Акциядорларнинг белгиланган овоз бериш тартибини ва овоз беришда иштирок қилиш хуқуқларини таъминлади;
- овозларни ҳисоблаб чиқади ва овоз бериш якунларини хулосалайди;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш учун бюллетенларни архивга топширади;

**7.17.** Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

## **VIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

**8.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ҳар бир Акциядорлар умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

**8.2.** Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилиш раёсати ва котиби (котибияти)ни, шунингдек зарур ҳолларда саноқ комиссия янги тартибини сайлаш таклифини киритади.

**8.3.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби йиғилиш иши бошланадиган ва тахминий якунланадиган вақтни, чиқишлиар ва танаффуслар муддатини, кун тартибидаги масалалар кетма-кетлигини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

**8.4.** Йиғилиш давомида юзага келадиган жорий масалалар йиғилиш раиси томонидан куйидаги асосий қоидага асосланиб якка тартибда ҳал қилинади: Акциядорларнинг умумий йиғилишида мухокама қилинадиган масала бўйича чиқиш хуқуқидан ҳар бир иштирокчи белгиланган вақт доирасида фойдаланиши мумкин.

**8.5.** Кун тартибидаги масалалар мухокамасида иштирок қилишни хоҳловчилар умумий йиғилиш котиби (котибияти)га мухокама қилиш учун масала кўрсатилган ҳолда ёзма ариза берадилар.

**8.6.** Кун тартибидаги барча масалалар мухокама қилингандан сўнг йиғилиш раиси Акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласи.

**8.7.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

## **IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ БАЁННОМАСИ**

**9.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши котибиятининг микдорий ва шахсий таркиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

**9.2.** Умумий йиғилиш котибияти куйидагиларни амалга оширади:

- умумий йиғилиш ўтказилиши жараёнининг баённомасини тузади;

- ёзма аризалар бўйича йиғилиш кун тартибидаги масалалар мухокамасида иштирок қилишни хоҳловчилар қайдномаларини юритади;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилгандан сўнг ўн кундан кечикирилмай икки нусхада Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини тузади.

**9.3.** Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қўйидагилар қайд этилади:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган сана, жой ва вақти;
- Жамият овоз берувчи акциялари эгалари – акциядорлар эга бўлган овозлар умумий сони;
- йиғилишда иштирок килаётган акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
- умумий йиғилиш раиси (раёсати) ва котиби (котибияти), йиғилиш кун тартиби;
- чиқишилар асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш якуnlари ва умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар.

**9.4.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасининг ҳар икки нусхаси Акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

**9.5.** Саноқ комиссияси баённомалари умумий йиғилишнинг алоҳида қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ва умумий йиғилиш баённомасига биректириб қўйилади.

**9.6.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан сўнг, Саноқ комиссияси Жамият йиғилиш хужжатлари сақланадиган архивига, жумладан, умумий йиғилишнинг қайд этиш рўйхатини, овоз бериш учун муҳрланган бюллетенларни, Саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзолангандан овоз бериш якуnlари тўғрисидаги баённомаларни ва Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини топширади.

## **X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

**10.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якуnlари акциядорларга қўйидаги тарзда маълум қилинади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугагандан сўнг уларни эълон қилиш орқали;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси тузилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида мухим фактларни ошкор қилиш орқали.

Жамият акциялари фонд биржаси листингида бўлган ҳолатда, Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тааллуқли ахборотни ҳам эълон қилиши шарт.

**10.2.** Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши жараёни устидан назорат, агар қарорда бошқача қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

**10.3.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилаётган ва иштирок қилмаётган акциядорларга тегишли қисми бўйича барча акциядорлар томонидан бажарилиши шарт.

**"IShONCh sug'urta  
kompaniyasi" АЖ ҚК  
акциядорларининг умумий  
йигилиши тўгрисидаги  
Низомига 1- ИЛОВА**

**20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да ўтказиладиган “IShONCh sug'urta kompaniyasi” АЖ ҚК  
Акциядорларининг йиллик/навбатдан ташқари умумий йигилишида иштирок қилиш  
хукуқига эга акциядорларни қайд этиш рўйхати**

**Рўйхат 20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги ҳолат бўйича Марказий депозитарий томонидан  
шакллантирилган акциядорлар реестри асосида тузилган**

**Овоз берувчи акциялар сони: \_\_\_\_\_ дона ( \_\_\_\_\_ сўм)**

т/р	Ф.И.Ш. (акциядор номланиши )	Овоз берувчи акциялар сони	Устав фондид ан %	Акцияд ор имзоси	Вакил иштирокида тўлдирилади		
					Вакилнин г Ф.И.Ш.	Ваколатно ма рақами ва санаси	Вакил имзоси
1							
2							
...							

**ЖАМИ:**

**Саноқ комиссияси аъзолари:**

---



---



---

**"IShONCh sug'urta  
kompaniyasi" АЖ ҚК  
акциядорларининг умумий  
йигилиши тўгрисидаги  
Низомига 2- ИЛОВА**

**"IShONCh sug'urta kompaniyasi" АЖ ҚК Акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари  
умумий йигилишида овоз бериш учун "\_\_\_\_\_"-сонли БЮЛЛЕТЕНЬ**

("IShONCh sug'urta kompaniyasi" АЖ ҚК Кузатув кенгашининг 20\_\_\_ йил "\_\_\_"  
даги қарори билан тасдиқланган)

Овоз берувчи акциялар сони

дона

Акциядорлар умумий йигилиши ўтказиладиган жой – \_\_\_\_\_.

Йигилиш санаси: "\_\_\_" 20\_\_\_ йил,

Вақти: \_\_\_\_\_

Акциядор: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Вакил Ф.И.Ш. ва Ваколатнома рақами: \_\_\_\_\_

т/р	Кун тартиби	Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши	Масала бўйича овоз бериш вариантлари* (кераксиз жавоб устидан чизиб қўйилсин)		
1			ёклайман	қаршиман	бетарафман
2			ёклайман	қаршиман	бетарафман
...			ёклайман	қаршиман	бетарафман

<p><b>Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши:</b>  <b>Кумулятив овоз бериши билан амалга оширилади.</b>  <b>Кумулятив овоз беришида ҳар бир акциядорга тегишили овозлар сони Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзод учун беришга ёки уни икки ва ундан кўпроқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлиидир.</b>  <b>Кумулятив овоз бериши бўйича овоз берувчи акциялар умумий сони</b>  _____</p>			
--	--	--	--

т/р	Номзодлар	Номзодлар тўғрисида маълумотлар	Берилган овозлар сони
1			
2			
...			

Акциядор ёки унинг вакили имзоси \_\_\_\_\_

\* фақат битта овоз бериши варианти қолдирилади.

*“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ*  
*акциядорларининг умумий*  
*йигилиши тұғрисидаги*  
*Низомига З - ИЛОВА*

**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ Акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари  
умумий йиғилишини ўтказиш тұғрисида  
БИЛДИРИШ ХАТИ**

Хурматли \_\_\_\_\_, “IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ (жойлашган манзили: \_\_\_\_\_) Сизге шуны хабар қиласыки, 20 \_\_\_\_ ыйил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_ : \_\_\_\_ да “IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ маъмурий биносида Жамият Кузатув кенгашининг 20 \_\_\_\_ ыйил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги йиғилиши “\_\_\_\_”-сон баённома қарорига мувофиқ чақирилған Акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш хуқуқига эга акциядорлар рўйхати 20 \_\_\_\_ ыйил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги ҳолат бўйича тузилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1.
- 2.
- 3.
- ....

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш учун рўйхатдан ўтказища акциядор ёнида паспорт ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат, акциядор вакилида эса – бундан ташқари, тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатнома бўлиши керак.
- Акциядорларнинг ушбу эълон чиқарилган кундан эътиборан Акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқладиган материаллар билан қуидаги манзил бўйича танишиб чиқишли мумкин: \_\_\_\_\_  
Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача иш кунларида соат \_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача.

**Кузатув кенгashi**

*“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ акциядорларининг умумий йигилиши тұғрисидаги Низомига 4 - ИЛОВА*

**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚҚ**

Акциядор \_\_\_\_\_ нинг  
Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига масала киритиш тұғрисидаги  
**ТАКЛИФИ**

Тегишли акциялар сони:

\_\_\_\_\_ дона оддий акция  
\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари күрсатиласы):

---

---

---

Кузатув кенгаши альолигига күрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бүйича ажратилған ҳолда):

---

---

---

Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) альолигига күрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бүйича ажратилған ҳолда):

---

---

---

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

(имзо, сана)

**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК акциядорларининг умумий йигилиши тўғрисидаги Низомига 5 - ИЛОВА**

**“IShONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК**

**Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида  
ТАЛАБНОМА**

Йигилиш чақирилишини талаб қилаётган шахс Ф.И.Ш. (номланиши):

(Тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) томонидан талабнома бериладиган ҳолатда, бу ҳам ушбу устунда акс эттирилиши керак).

Тегишли акциялар сони (талабнома акциядор томонидан берилган ҳолатда тўлдирилади):

\_\_\_\_\_ дона оддий акция;  
\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Талабнома мазмуни (Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш сабаблари ифодаланади):

---

---

---

Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари кўрсатилади):

---

---

---

Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган ҳолда):

---

---

---

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(имзо, сана)